

Источник и использованная литература:

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. //Серия: Антология экономической мысли. – М.: Эксмо, 2007. – 222 с.
2. Carruthers B.G. How to Think like an Economic Sociologist. //Contemporary Sociology. 2018. – 186 p.
3. Beatty C., Fothergilla C., Houston D., RowelR. Bringing Incapacity Benefit numbers down: to what extent do women need a different approach? UK. 2020,6(2): 143-162. doi/abs/10.1080/01442870903429603.
4. Абдурахмонов К.Х. Экономика труда: теория и практика. Учебник. Переработанное и дополненное 3-е издание. – Т.: Фан, 2019. – 592 с.
5. Mansurova N.Sh., Abduvahidova M.A.Modern labor market in Uzbekistan and the problems of its functioning. // ECONSPEAK: A Journal of Advances in Management IT & Social Sciences, International Virtual Conference on The Ways of Innovative Approach on the Deployment of Science and Education.-2019:6(5): 75-79.
6. Mansurova N.Sh., Norboyev A.I. [Conceptual Bases of Formation of Innovative Types of Employment in the Labor Market](#). // JournalNX. 2021. 287-291p.
7. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Демографические процессы и занятость населения Узбекистана. Научное пособие. – Т.: Университет, 2006.
8. По оценкам МОТ, а также согласно данным ВБ. 2021г.
9. Источник: Оценочные данные Международной Организации Труда; Всемирные индикаторы развития ВБ.(www.uz.undp.org).
10. Goldin C. Grand A. // Gender Convergence: Its Last Chapter. American Economic Review 2014:104(4): 1091–1119 p.
11. Источник: расчеты авторов на основе открытых данных МОТ и ВБ за 2017-2021 гг.
12. <http://www.stat.uz>
13. Государственный комитет Республики Узбекистан 2021 г.
14. https://unece.org/fileadmin/DAM/RCM_Website/Uzbekistan.pdf
15. file:///C:/Users/User/Downloads/original-weq.pdf



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАНИШ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iiss5/a71

Хасанов Сардор Ҳазратқулович -
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти мустақил изланувчи

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятида саноат, қишлоқ хўйжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тутмаган ўрни, уларнинг минтақа иқтисодий ривожланишига ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш жараёнига қўшаётган ҳиссаси ҳамда асосий фонdlарининг технологик ҳолати, инвестицион фаоллиги, экспорт ва импорт имкониятлари, иқтисодиётининг хомашё экспортига асосланганлиги, минтақанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсири таҳлил этилган.

Калим сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, минтақа, рақобатбардошлиқ, саноат, қишлоқ хўйжалиги, хизмат кўрсатиш, ялпи ҳудудий маҳсулот, асосий фонdlар, инвестицион фаоллик, индустриал минтақа, бюджет даромадлари, экспорт, импорт, инновацион маҳсулот.

АНАЛИЗ УРОВНЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Хасанов Сардор Ҳазратқулович -
независимый исследователь
Каршинский инженерно-экономический институт

Аннотация. В статье раскрывается роль промышленного, сельскохозяйственного секторов, секторов услуг в экономике Кашкадарьинской области, их вклад в экономическое развитие и на процесс обеспечения экономической безопасности региона, влияние технологическое состояние его основных фондов, инвестиционная активность, экспортно-импортные возможности и экономики основанная на экспорте сырья на экономический безопасность региона.

Ключевые слова: экономическая безопасность, регион, конкурентоспособность, промышленность, сельское хозяйство, услуги, валовой региональный продукт, основные фонды, инвестиционная деятельность, промышленный регион, доходы бюджета, экспорт, импорт, инновационный продукт.

ANALYSIS OF THE LEVEL OF ECONOMIC SECURITY IN KASHKADARYA REGION

*Hasanov Sardor Hazratkulovich -**independent researcher**Karshi Institute of Engineering and Economics*

Abstract. The article reveals the role of industrial, agricultural and service sectors in the economy of Kashkadarya region, their contribution to economic development and to the process of ensuring the economic security of the region, the impact of the technological state of its fixed assets, investment activity, export-import opportunities and economies based on the export of raw materials on the economic security of the region.

Keywords: economic security, region, competitiveness, industry, agriculture, services, gross regional product, fixed assets, investment activity, industrial region, budget revenues, export, import, innovative product.

Кириш. Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси миллий хўжалик ва унинг минтақаларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, унинг механизм ва инструментларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришини назарда тутади. Бу хақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев алоҳида тўхтабиб, қўйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Қачонки, худудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш дараҷаси яхшиланса маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади” [1].

Ўзбекистон Республикаси минтақалари ўртасида иқтисодиётининг тармоқ таркиби, унда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларининг тутган ўрни, минтақанинг иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ҳамда асосий фондларининг технологик ҳолати, инвестицион фаоллиги, экспорт ва импорт имкониятлари, инфратузилмали ривожланишда тенгсизлик муаммоларининг кескинлашуви мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Бу миллий хўжалик ва унинг минтақалари иқтисодиётни олдида турган ички ва ташқи иқтисодий таҳдидлар билан боғлиқ ҳисобланади. Минтақаларнинг ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун масъулияти ва жавобгарлигини ҳисобга олган ҳолда, юқори мослашувчан мобилик ва иқтисодий соҳада манфаатларни ҳимоя қилининг самарали механизмига эга бўлган минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

Мавуга оид адабиётлар таҳлили. Минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Б.Г.Клайнер, Г.А.Саймон, Г.Хакен, У.Б.Артур, Р.Майерсон, Э.Маскин, Й.А.Шумпетер, А.Ю.Чаленко, Н.Луман, Дж.Р. Коммонс, К.Майнцер, Л.Гурвиц, Э.Морена, К.Э.Шенон кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Л.И.Абалкин, В.Л.Береснев, А.Д.Бурикин, О.В.Дамаскин, Д.К.Дъячковский, А.В.Козлова, Е.А.Колесниченко, М.Я.Корнилов, В.В.Криворотов, С.Е.Лелюхина, Г.Е.Лягушева, Е.С.Митякова, Е.А.Олейников, В.И.Орехов, В.С.Панков, В.К.Сенчагов, А.И.Татаркин, Д.В.Третьяков ва бошқалар ушбу мавзуга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларида ташқи ва ички таҳдидлар шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва минтақавий жиҳатларини республикамиз олимларидан Х.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, А.А.Маматов, А.М.Қодиров, Ш.Х.Назаров, М.О.Абдусалямов, Т.М.Ахмедов, А.М.Садыков, Р.Х.Эргашев, С.Н.Хамраева, А.Ўлмасов, А.В.Вахобов, Т.Т.Жўраев, Б.О.Турсунов ва бошқаларнинг мазкур со-ҳага даҳлдор илмий тадқиқот ишларини ажра-тиб кўрсатиш мумкин.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси дастлаб давлат ташкилотлари даражасида тан олинган ва институционал жиҳатдан қайд этилган, чунки узоқ вақт давомида давлат суверен хукуқларнинг ягона эгаси сифатида қабул қилинган эди. 1934 йил июнь ойида АҚШ Президенти Ф.Д.Рузвельт дунёда биринчи марта “Иқтисодий хавфсизлик қўмитаси”ни ташкил этди [2].

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг институционал назарияси асосчиси Дж.Р.Коммонс институтларнинг тарихий ривожланишидаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни қўллаб-қувватлаб, унга кўра “эволюциян” тушунчаси “институционал” тушунчаси билан мазмун ва маъноси бир хил бўлади, деб таъкидлайди [3].

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий механизм концепциясининг асосчиси Л.Гурвиц, механизм тушунчасини ва “рағбатлантирувчи мувофиқлик шартларини” аниқлаган, марказлашмаган механизмларнинг аҳамиятини кўрсатиб, механизм бўйича тадқиқотларининг асосий йўналишларини аниқлаган [4].

Рус олими В.К.Сенчагов иқтисодий хавфсизликни "...ички ва ташқи жараёнларни ривожлантириш учун энг нокулай шароитларда миллий манфаатларни кафолатли ҳимоя қилиш, умуман олганда, мамлакатнинг барқарор ижтимоий йўналтирилган ривожланиши таъминланган иқтисодиётнинг ҳолати", деб таъкидлаб ўтади[5]. М.В.Россинский минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги тушунчасини "иқтисодий мустақиллиги, самарадорлиги, рақобатбардошлиги, барқарорлиги ва минтақа иқтисодиётини фаоллаштириш, уни ривожлантириш қобилиятини таъминлайдиган тартибли, ўзаро боғлиқ, уйғулашган тизимнинг мавжудлиги" деб тушунган[6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Х.П.Абулқосимов "Минтақавий хавфсизлик мамлакат вилоятлари манфаатларига ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Минтақавий хавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озиқ-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ва ижтимоий хавфсизликларни олади" деб баҳо берган [7]. Профессор Б.О.Турсунов иқтисодий хавфсизлик тушунчасини "миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгилашига ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йигиндиси" деб баҳо берилган [8].

Юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, минтақа иқтисодиётининг тармоқ таркиби, унда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларининг тутган ўрни, минтақанинг иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ҳамда асосий фондларнинг технологик ҳолати, инвестицион фаоллиги, экспорт ва импорт имкониятлари ва инфратузилмали ривожланиш ҳолати билан боғлиқ таҳдидларни тадқиқ этиш асосида минтақа иқтисодий хавфсиз-

лигини таъминлашнинг концептуал моделини илмий жиҳатдан асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гурухлаш ва жадвал усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Қашқадарё вилояти аграр-индустрисал минтақа бўлиб, Республика ёнилғи-энергетика соҳасида етакчидир. Вилоятнинг аграр соҳага ихтисослашуви унинг мамлакат ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этишдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради. 2021 йил якунлари бўйича Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотнинг 6,0 %, саноат маҳсулотларининг 4,1 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг 9,2 %, чакана савдо товар айланмасининг 6,5 %, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 6,6 %, курилиш ишлари ҳажмининг 5,7 %, хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,7 %, экспортнинг 1,6 % ва импортнинг 1,5 %и Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келди [9].

Минтақада 2010-2021 йилларда ЯҲМ ҳажми, Республика ЯИМни ўсиш ҳажми суръатларидан ортда қолмоқда. Республика ЯИМ ҳажми 2010-2021 йилларда 206,6 %га ўсган бўлса, ушбу даврда Қашқадарё вилоят ЯҲМ 138,4 %га ўсади. ЯҲМнинг республикадаги улуши 2010 йилда 7,5 %дан 2021 йилга келиб республика кўрсаткичининг 6,0 %ини ташкил этмоқда. Бунга 2017-2021 йилларда минтақанинг йирик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пасайиши натижасида юз берди.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида Қашқадарё вилоятининг макроиқтисодий кўрсаткичларининг тутган ўрни [10]

Кўрсаткичлар	2010 й.	2013 й.	2016 й.	2019 й.	2021 й.
Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ўсиши	107,3	107,6	106,1	105,7	107,4
Қашқадарё вилоятида ЯҲМ ўсиш суръати	99,9	103,4	103,3	101,8	107,6
Ялпи инвестицияларда чет эл инвестициясининг улуши (Ўзбекистонда %да)	26,4	18,1	20,7	45,8	42,7
Ялпи инвестицияларда чет эл инвестиациясининг улуши (Қашқадарёда %да)	10,9	15,1	17,4	12,4	6,6
ЯҲМ улуши	8,9	8,1	7,9	6,1	5,95
Жами аҳоли сони					
Жами аҳоли сонидаги улуши	9,3	9,5	9,6	9,6	9,7
Аҳоли жон бошига ЯҲМ республика кўрсаткичига нисбатан	100,5	90,4	74,2	63,3	61,8
Ялпи саноат маҳсулотидаги улуши	13,0	9,7	8,6	5,4	4,1
Кичик бизнеснинг улуши	55,0	51,4	64,9	60,1	69,0
Ялпи инвестициялардаги улуши	11,0	12,0	14,2	12,4	6,6
Ташқи савдо айланмасида экспорт улуши	70,5	43,8	31,3	44,2	40,9
Ташқи савдо айланмасида импорт улуши	29,5	56,2	68,7	55,8	59,1

Эътиборли жиҳати шундаки, 2010-2021 йиллар давомида ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида саноат маҳсулотидаги улуши 13,0 фоиздан 4,1 фоизга камайган. Ушбу ҳолат минтақада саноатлашиш жараёнларини сезиларли тарзда ортда қолаётганини кўрсатади.

Қашқадарё вилоят минтақасининг иқтисодий хавфсизлик даражасига асосий фондларнинг эскириш даражаси катта таъсир қилади. Бозор ислоҳотлари шароитида Қашқадарё вилоятида асосий фондларнинг эскириш даражаси жуда суст даражада камайди: 2010 йилдаги

52,7% дан 2021 йилнинг охирида 38,4% гача. Бундай тенденция асосий фондларнинг янгилашиш коэффициентини тадқиқ этилаётган даврда 17,1%дан 2021 йилга келиб 12,5%га тушиб қолиши ва эскирган асосий фондларни аҳамиятсиз даражада чиқиб кетиши 2010 йилда 1,1%дан, 2021 йилга келиб 1,6%ни ташкил қилиши билан боғлиқ. Натижада минтақанинг технологик қолоқлиги қўйида келтирилган жадвалда келтирилган кўрсаткичлари динамикаси билан тавсифланади.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти саноатини модернизациялаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари динамикаси, (фоизда) [11]

№	Кўрсаткичлар	2010 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2021 й.
1.	Асосий фондларнинг янгилашиш коэффициенти	17,1	15,6	15,7	16,0	12,5
2.	Асосий фондларнинг чиқиб кетиш коэффициенти	1,1	7,1	1,1	2,1	1,6
3.	Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириш даражаси	52,7	50,1	44,6	42,2	38,4
4.	Асосий фондларнинг хизмат қилиш йили	35	14	12	11,1	10,2

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, тадқиқ этилаётган даврда Қашқадарё вилоятида машина ва ускуналарнинг эскириш даражаси ҳамон юқорилигича (38,4 фоиз) қолмоқда. Бу эса ўз навбатида, минтақа ЯҲМ таркибида юқори кўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар улушининг паст даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Айнан мана шу салбий ҳолатлар минтақада модернизациялаш ва ишлаб чиқариши диверсификация қилиш жараёнларини янада жадаллаштириш зарурлигини тақозо қилади. Чунки жаҳонда рақамли иқтисодиёт ривожланиши натижасида комьюнитер технологиялари соҳаларида асосий фондларнинг тўла янгилашиш муддати 2-2,5 йилни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Қашқадарё вилояти минтақаси хомашё экспорт моделига хос ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг экспорт таркибида товар ва хизматлар гурӯхлари бўйича 13,6 %, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 19,6 %ни ташкил этди. Бундан кўринадики, Қашқадарё вилояти экспортининг 33,5 %идан кўпроғини хомашё маҳсулотлари ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич минтақада кўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ҳажми ва экспорт таркиби рақобатбардошлигининг пастлигидан далолат беради [12]". Буларнинг барчаси Қашқадарё вилоят минтақасининг иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдидларнинг бутун мажмуасини яратади.

Минтақада хомашё экспорт моделининг устунлиги унинг ўзига хос бир қатор муаммоларини аниқлаш имконини беради:

Қашқадарё вилоятида макроиктисодий барқарорликнинг жаҳон хомашё, энергетика нархларига боғлиқлиги, бу эса экспорт таркибида хомашё, энергетика улушининг ошишига бевосита мутаносиб равиша ортиб боради.

Табиий ресурсларнинг чекланган захиралиари туфайли хомашё экспорт моделининг узоқ муддатли ривожланиши мумкин эмаслиги. Баъзи экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг нефтнинг геологик захиралари – 5 млрд. тонна ва табиий газнинг геологик захиралари – 5 трлн. куб метрдан ортиқ. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тадқиқотлар маркази маълумотларига кўра, ресурс истеъмолининг ҳозирги тенденциялари ва ҳажмлари давом этса, Қашқадарё минтақасида табиий газ ва кўмир захиралари кейинги 20-30 йил давом этади, нефт захиралари эса деярли яроқсиз ҳолатга келиши мумкин [13]".

Минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган инвестицион фаоллигига боғлиқ. "Жаҳон банки томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Doing Business» ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Республикаси 2021 йилги ҳисоботда 186 та мамлакатлар орасида 58,3 балл билан 108-уринни эгаллаб, б та поғонага кўтарилган [14]".

Қашқадарё вилоятида 2021 йил инвестиция дастури бўйича вилоятда умумий қиймати 3,5 трн. сўмлик 984 та лойиҳалар ишга туширилган ва 8,6 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Минтақада инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш

бўйича “пастдан-юқорига” тамоили асосида, янги тизим йўлга қўйилиб, ишлар ташкил этилган. Ҳар бир шаҳар ва туманларда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқувчи “Лойиҳа гуруҳи” ташкил этилиб, улар томонидан ҳудуднинг ер ости ва ер усти имкониятлари таҳлил қилиниб, ҳар бир шаҳар ва туманлар кесимида инвестиция ва экспорт Стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Шакллантирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида салоҳиятли тадбиркорлар иштирокида ҳудудларда “Холдинг компанияси” ташкил этилган [15].

Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб қилишда уларни алоҳида танлаб олинган тармоқларга эмас, балки бозор тан оладиган ва қиёсий устунликларга эга тармоқлар ривожига қаратиш, минтақа бўйича оқилона жойлаштириш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини соддалаштириш, ахборотлаштириши кучайтириш, инфратузилмани ривожлантириш кабилар муҳим ҳисобланади [16].

Фикримизча, минтақада инвестицияларни ички молиялаштириш манбалари ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш асосида корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестициоон имкониятларни кенгайтириш;

- тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини кенгайтириш ва банк тизимида бозор механизмларини тўлақонли ишлатиш орқали кредитлар самарасини ошириш;

- аҳоли маблағларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишда молия бозори замонавий инструментларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

- иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилишда инвестицион агентликлар, инжиринг компаниялари каби бозор механизми


институтларидан рағбатлантириш орқали давлатнинг инвестицияларни жалб қилишдаги масъулиятини хусусий секторга ўтказиб бориш;

- ҳудудлар нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда хомашёни иккиласмачи ва учламчи қайта ишлаш, юқори фан сифимли тармоқларини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Қашқадарё вилоятининг барча шаҳар ва туманлари у ёки бу тармоқда ўзига хос қиёсий устунликлар, истиқболли захиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш объектларига эгадир. Бу эса чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишда мавжуд ресурс ва захиралардан оқилона фойдаланиш учун аниқ вазифа ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ш.Х.Назаров ўз илмий қарашларида Ўзбекистон минтақаларининг машинасозлик (Андижон, Самарқанд, Хоразм, Тошкент ш.), ёқилғи-энергетика (Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент в.), қурилиш материаллари (Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент в.), ёғочни қайта ишлаш (Жиззах, Қашқадарё, Наманганд, Тошкент в., Тошкент ш.) ва пахтачилик – тўқимачилик ва озиқ-овқат кластер корхоналарини ривожлантириш бўйича нисбий устунликларга эга эканлигини келтириб ўтади[17].

Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланишнинг стратегик йўналишларидан – унинг иқтисодиётининг таркибий тузилмасини диверсификация қилиш асосида аграр-индустрисал минтақадан индустрисал минтақага ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Истиқболда ЯҲМ таркибида саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларини устун даражада ривожлантириш асосида индустрисал минтақага айлантириш стратегик вазифадир.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳамда Қашқадарё вилоятининг ЯҲМ иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибий тузилмаси

Қашқадарё вилояти аграр-индустрисал минтақа бўлганилиги сабабли унинг иқтисодиётидаги қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин эгаллади. 2021 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми 29352,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 102,2 фоизни ташкил қилди. Қашқадарё вилоятида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2021 йилда 504988 тонна сабзавот (102,4 фоиз), 181776 тонна картошка (102,8 фоиз), 172334 тонна мева ва резаворлар (105,6 фоиз), 100579 тонна узум (110,2 фоиз) йиғиб олинди ҳамда 310,8 минг тонна гўшт (102,9 фоиз), 1248,4 минг тонна сут (105,8 фоиз), 519,3 минг дона тухум (95,1 фоиз) ишлаб чиқарилди. Бу минтақа аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳизмат қиласди.

Қашқадарё вилоятида хизматлар соҳасининг ривожланиши минтақа иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлиги ўсишининг муҳим сифат омилларидан бири саналади. Минтақа ЯҲМда хизматлар соҳасининг улуши 2010 йилдаги 38,4 %дан 2021 йилда 58,9 %гача ўсади. Қашқадарё вилоятида 2021 йилда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 13 262,4 млрд. сўмга, ўсиш суръати 118,4 %ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари таркибида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаганда савдо хизматларига (31,9 %), транспорт хизматларига (22,1 %), молиявий хизматларга (16,2 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматларига (4,5 %) юқори улушлар кетма-кетлиги кузатилди.

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмида асосий дастаклардан бири солиқ тизими ҳисобланади. Шу муносабат билан бугунги кунда минтақанинг бюджет тақчиллиги масаласи долзарб ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг бюджет даромадлари прогнози 2022 йил учун 3483,0 млрд. сўм ва харажатлар эса 5534,3 млрд. сўмни ташкил қиласда. Даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқ бугунги кунда Республикадан бюджет трансферлари сифатида қопланади. Бюджет тушумларини кўпайтириш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни йиғиш самарадорлигини ошириш орқали бюджетга қўшимча 3 677,5 млрд. сўм тушумларни таъминлаш минтақа молиявий-иктисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади.

“Маълумки, маҳаллий консолидацияланган бюджет даромадларининг салоҳиятини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг имкониятлари табиий-иклим шароити, мавжуд меҳнат тақсимоти тизими ва иқтисодиёт тузилиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ва бошқалардан келиб чиқсан ҳолда фарқланади. Кўпгина иқтисодий

муаммоларни республика даражасидан минтақавий даражага "ўтказиш" амалиёти, уларнинг ечимларини молиялаштириш учун минтақаларда етарли ресурслар мавжуд бўлмаганда, минтақаларнинг иқтисодий ривожланишининг молиявий имкониятларини заифлаштириди ва минтақавий дифференциацияни кучайтиради [18]”. “Таҳлиллар шуни кўрсатдики, охирги беш йилда маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган маблағларнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент вилоятида 27 баробар, Навоий вилоятида 26 баробар ҳамда Тошкент шаҳрида 19 баробарни ташкил этиб, ўртacha республика кўрсаткичидан юқорилигини ташкил этмоқда. Ушбу даврда энг кам ўсиш Қорақалпоғистон Республикасида 4,6, Андижон вилоятида 4,8, Бухоро вилоятида 5,8 ва Қашқадарё вилоятида 6,2 га тўғри келмоқда[19]”. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини барқарорлаштириш жараённида солиқларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари таркибини таҳлил қилиш натижасида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари, жумладан, маҳаллий солиқлар ҳажмини ошириш ва уларнинг асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ.

2. Маҳаллий бюджетга бириткирилган даромад турлари, шунингдек, қонунчилик асосида маҳаллий солиқлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

3. Маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан ажратмалар микдорини ҳар йили қайта кўриб ўзгартириш киритмасдан, ҳеч бўлмаганда 3 йилда бир марта ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашга ҳизмат қиласди.

Қашқадарё вилоятида 2021 йил якуни билан 217,4 млн. АҚШ долларилук экспорт амалга оширилиб, ўтган йилга нисбатан 168 фоиз ўсишга ва унда экспортбоп маҳсулотлар сони 120 тага, вилоят бўйича ўзлаштирилган экспорт географияси 40 тага етказилди. Қашқадарё вилоятининг ташки савдо айланмасида экспортнинг улуши 40,9 %ни ва импортнинг улуши 59,1%ни ташкил қиласда. Бу минтақа иқтисодиётининг импортга қарамлигини кўрсатади.

Қашқадарё вилоятида 2022 йил дастурига кўра экспорт ҳажмини 1,4 баробарга ошириш орқали 256,4 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Бунинг учун экспорт таркибида кўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар улушкини 45 фоиздан ошириш; вилоятда экспортчи корхоналар сонини 2 баробарга кўпай-

тириш ва Европа бозорларига кириш учун қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига "Қашқадарё бренди"ни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ташки иқтисодий хавфсизликка минтақа иқтисодиёти эришиши унинг рақобатбардошлиги ўсиши, минтақа иқтисодиёти жаҳон бозорига мослашиши ва ҳоказоларда намоён бўлади:

мintaқада товарлар импорти таркибида машина ва асбоб-ускуналар, товарлар экспорти таркибида эса хомашё устунлик қилади. Бу эса мамлакат ишлаб чиқариш тармоғининг рақобатбардош эмаслигидан далолат беради;

мintaқа ташки савдосида импорт экспортдан устунлик қилиши ташки савдо сальдининг манфийлигидан далолат беради. Шунингдек, манфий сальдонинг ортиб бориши минтақа иқтисодиётининг импорт маҳсулотларига қарам бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги минтақавий сиёsat ҳақида гапирганда, таъкидлаш керакки, биз сиёsatни, биринчи навбатда, аниқ режалар, дастурлар, мақсадларни амалга ошириш шароитида жамоатчиликнинг ўзаро алоқалари соҳаси деб ҳисоблаймиз; иккинчидан, ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга муаммога нисбатан амалга ошириладиган ҳаракат дастури сифатида; учинчидан, ҳуқуқий норма ёки мавжуд анъаналар билан белгиланадиган манфаатларни мувофиқлаштириш институтлари, механизmlар, анъаналар, урф-одатлар тўплами сифатида.

Фикримизча, иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги замонавий минтақавий сиёsatни шакллантириш жараёнига қўйидаги ҳолатлар сезиларли таъсир кўрсатмоқда:

давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўпинча ривожланишининг минтақавий даражаси ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади;

давлатнинг иқтисодий блоки томонидан кўрилган чораларга минтақавий иқтисодиётнинг турли хил шароитлари ва муносабати;

аҳолининг қашшоқлик даражасининг ошиши, доимий ишсизлик, ижтимоий кескинлик, тизимни шакллантирувчи тармоқларда давлат капиталнинг устунлиги, инфратузилманинг нотекис ривожланиши ва бошқалар билан боғлиқ минтақада тўпланган иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви ва кучайиши;

минтақавий иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари криминаллашуви ва янги турдаги иқтисодий таҳдидларнинг пайдо бўлиши;

минтақа иқтисодиётини рақамлаштиришга тўсиқ бўлувчи ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг ўсиши.

Хулоса ва тақлифлар. Қашқадарё вилояти аграр-индустрисал минтақа бўлиб, Республика ёнилғи-энергетика соҳасида етакчидир. Вилоятнинг аграр соҳага ихтисослашуви унинг мамлакат ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этишдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради.

Минтақада 2010-2021 йилларда ЯҲМ ҳажми, Республика ЯИМни ўсиш ҳажми суръатларидан ортда қолмоқда. Республика ЯИМ ҳажми 2010-2021 йилларда 206,6 %га ўсган бўлса, ушбу даврда Қашқадарё вилояти ЯҲМ 138,4 %га ўсади.

Қашқадарё вилоятида машина ва ускуналарнинг эскириш даражаси ҳамон юқориилигича (38,4 фоиз) қолмоқда. Бу эса ўз навбатида, минтақа ЯҲМ таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар улушининг паст даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Қашқадарё вилояти минтақасига хомашё экспорт модели хос бўлиб, унинг экспорти таркибида товар ва хизматлар гурӯҳлари бўйича 13,6 %, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 19,6 %ни ташкил этади.

Минтақанинг инвестицион жозибадорлиги унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида табиий-иктисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган инвестицион фаоллигига боғлиқдир.

Қашқадарё вилоятининг барча шаҳарлари ва туманлари у ёки бу тармоқда ўзига хос қиёсий устунликлар, истиқболли захиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш обьектларига эга. Бу эса чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришга фаол жалб этишда мавжуд ресурс ва захиралардан оқилона фойдаланиш учун аниқ вазифа ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмидаги асосий дастаклардан бири солиқ тизими ҳисобланади. Шу муносабат билан бугунги кунда минтақанинг бюджет тақчиллиги масаласи долзарб ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг ташки савдо айланмасида экспортнинг улуши 40,9 %ни ва импортнинг улуши 59,1 %ни ташкил қилмоқда. Бу минтақа иқтисодиётини импортга қарамалигини кўрсатади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
2. Берсенев, В.Л. Ведущие центры исследования проблем экономической безопасности в России. //Экономика региона. 2019. Т. 15, вып. 1. - С. 29-42.

3. Квашницкий В. Истоки эволюционной экономики. //Истоки: из опыта изучения экономики как структуры и процесса. [Редакционная коллегия: Я.И. Кузьминов и др.]. 2-е изд. – М.: Изд. дом ВШЭ, 2007. – С.95.
4. Hurwicz L. On informationally decentralized systems. Текст: непосредственный. // Decision and Organization / R. Radner, C.B. McGuire (eds.). - Amsterdam and London: North-Holland, 1972. - P. 297-336.
5. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс: учебник. /Под ред. В.К. Сенчагова. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2016. – С.28.
6. Россинский М.В. Методология обеспечения устойчивого развития территории в рамках эколого-экономической безопасности: дис.д-ра экон. наук: 08.00.05. – Ростов-на Дону, 2006. – С.16.
7. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий ҳавфсизлик: Назария ва амалиёт Дарслик. – Т., 2019.-Б.455.
8. Турсунов Б.О. Иқтисодий ҳавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи, 2021 .-Б.15.
9. Қашқадарё вилоятининг статистик ахборотномаси. – Қарши, 2021 йил. 18-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2010-2018 йиллар. –250 б., Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2021 йил. –239 б. Қашқадарё вилоятининг статистик ахборотномаси. – Қарши, 2021 йил. 18-б.
11. Ўша жойда.
12. Асабаев А.С. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги ҳавфсизлиги: интеграциялашув ва таҳдитлар. //Иқтисодиёт ва таълим, 2022. №3. –141 б.
13. [http://articlekz.com/node/2628. UzTransGaz](http://articlekz.com/node/2628).
14. Раҳматуллаев Б.Ш. Мамлакатимизда инвестицион мұхит жозибадорлигини оширишининг асосий ўнналишлари. //Логистика ва иқтисод илмий электрон журнали. №1.2022 йил.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиши чора-тадбирлари түғрисида”ги, 2022 йил 20 апрелдаги №201-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган дастурдан.
16. Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишининг назарий асослари ва устувор ўнналишлари, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2006 й., 112-бет.
17. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. Монография. – Т.: IFMR, 2014. – С.151.
18. Муслимов Ш.И. Маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳияти: бугунги кунда унинг шаклланишининг хусусиятлари ва муаммолари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали №2, март-апрель, 2020 йил.
19. Эргашев Ж.А. Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ўйлари. //Логистика ва иқтисод илмий электрон журнали. №1.2022 йил.